

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВ ҒАЙРАТ АБАТБАЕВИЧ

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ РОМАНЛАРИДА ПОРТРЕТ ПОЭТИКАСИ
(Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов, К.Каримов романлари мисолида)**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Алламуратов Ғайрат Абатбаевич

Ҳозирги қорақалпоқ романларида портрет поэтикаси
(Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов, К.Каримов романлари мисолида).....3

Алламуратов Ғайрат Абатбаевич

Поэтика портрета в современных каракалпакских романах
(на примере романов Ш.Сейтова, К.Матмуратова, К.Каримова)23

Allamuratov Gayrat Abatbaevich

The portrait poetics in the modern karakalpak novels
(On the example of the novels of Sh.Seytov, K.Matmuratov, K.Karimov)43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛЛАМУРАТОВ ҒАЙРАТ АБАТБАЕВИЧ

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ РОМАНЛАРИДА ПОРТРЕТ ПОЭТИКАСИ
(Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов, К.Каримов романлари мисолида)**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fil2032 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziyouet» ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори (DSc), профессор

Камалова Дилфуза Энуаровна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» декабр кунги соат 10 00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (110 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «03» декабр куни тарқатилди.
(2022 йил «03» декабр даги 13 рақамли реестр баённомаси).



Қ.К. Оразимбетов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Д.Б. Сейткасимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари бўйича филология доктори (PhD), доцент

О.К. Гайлиева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филология фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида романга жанр-типологик, структур-композицион, гоёвий-мавзувий, бадий-эстетик аспектлардаги илмий ёндашувлар мазкур жанрнинг такомиллашиш даражасини кўрсатади. Романларда башариятга дахлдор мавзулар поэтик ифода этилаётгани бадий сўзнинг қудрати инсон хисси ва жисмини тафтиш этишга йўналтирилганини англатади. Қаҳрамон портретининг эпик асарларда тасвирланиши, персонажнинг ўзига хослигини характер, психология, портрет билан чамбарчас боғлиқликда қаралиши бугунги адабиётшунослик илмининг долзарб масалаларидан саналади. Инсоннинг ички кечинмаларини портрет тасвири асносида ифода этиш санъатини моҳир ёзувчиларнинг романлари мисолида тадқиқ қилиш масала ечимининг бир тавсифи ҳисобланади.

Дунё романчилик тажрибаларининг бугунги кундаги ютуғи инсон образини турли-туман ракурсда ёритиб бериши билан белгиланади. Роман қаҳрамони ўз индивидуаллигини чуқур идрок этиш жараёнида онг оқими ва ижтимоий муҳит билан зиддиятга киришиб, борлиқни мантиқий-фалсафий, ижтимоий-концептуал йўсинда инъикос этишга интилувчи фаол ҳаракатдаги шахс сифатида очилади. Бадий портрет қаҳрамон образи контекстида давр колоритини, миллий урф-одатларни, ижтимоий ҳолатларни, индивидуал характерни композицион узвийликда кўрсатишга ёрдам беради.

Халқимизнинг маданий меросини ривожлантириш, миллий ўзига хослик ва юксак маънавиятнинг минг асрлик сарчашмаларини қайта тиклаш, жисмонан соғлом, ҳар томонлама камолотга эришган ва маънан етук авлодлар жамиятини барпо этиш учун зарур шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. «Буюк олим ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва ташвиқот-тарғибот қилиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар орасида китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш»¹ адабиётшунос олимларнинг бош вазифаси сифатида белгиланди. Қорақалпоқ ёзувчилари Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов ва К.Каримовларнинг романларида портрет поэтикасини жаҳон адабиётшунослиги илмий-назарий концепциялари асосида тадқиқ қилиш ёзувчи маҳоратини ўрганишнинг истиқболли йўналишларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. – Тошкент: 2018 йил. 15 май.

ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, 2020 йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 637-сон Қонуни ва соҳага тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда жорий докторлик диссертацияси муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Жорий диссертацион иш Республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида портретнинг бадиий асардаги поэтик хизмати, аҳамияти ҳар хил илмий аспектларда тадқиқ қилинди. Ушбу йўналишда жаҳон адабиётшунослигида Н.Шнайдер, Е.Д.Шмидт, А.П.Белик, Е.Добин, М.М.Бахтин, М.Б.Храпченко, В.Петелин, Г.В.Старикова, М.С.Имомов, Ю.И.Минералов, М.Н.Жорникова, Л.Н.Дмитриевской, А.Г.Кулигина, П.В.Трофимова, Е.М.Каурова, С.Н.Колосовалар махсус тадқиқот ишларини олиб борган².

Туркий халқлар адабиётшунослигида: қозоқ адабиётшунослигида Б.Майтанов, Х.Абдибаев, С.Ж.Таттимбетова, Г.Смағуловалар³, ўзбек

² Norbert Schneider. The Art of the Portrait: Masterpieces of European Portrait-painting, 1420—1670. – Taschen: 2002; Шмидт Е.Д. Эволюция художественной детали в тексте словесного портрета (на материале английской художественной прозы XVIII - XX вв.). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Санкт-Петербург: 2006; Белик А.П. Художественные образы Ф.М.Достоевского. – Москва: Наука. 1974; Добин Е. Герой. Сюжет. Деталь. – Ленинград: Советский писатель. 1962; Уша муаллиф. Сюжет и действительность. Искусство детали. – Ленинград: 1981; Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. – Москва: Худож.лит. 1972; Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – Москва: Худ. лит. 1971; Петелин В. Михаил Шолохов. – Москва: Воениз-дат. 1974; Старикова Г.В. Лексика портретных описаний. Дисс... канд. филол. наук. – Л.: 1984; Имомов М.С. Искусство портрета в прозе С. Аини. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе: 1990; Минералов Ю.И. Теория художественной словесности. Поэтика и индивидуальность. – Москва: 1997; Жорникова М.Н. Поэтика портрета в русской романтической повести 1830-х гг. Автореф. дисс... доктор. филол...наук. – Улан-Удэ: 2004; Дмитриевской Л.Н. Пейзаж и портрет: проблема определения и литературного анализа (пейзаж и портрет в творчестве З.Н.Гиппиус). Монография. – Москва: 2005; Кулигина А. Г. Поэтика портрета в «Повестях Белкина» А.С.Пушкина. Дисс... канд. филол. наук. – Нижний Новгород: 2008; Трофимова П.В. Своеобразие художественной детали в романе М.А.Шолохова «Тихий Дон». Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва: 2009; Каурова Е.М. Поэтика портрета в повестях И.С.Тургенева. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Улан-Удэ: 2010; Колосова С.Н. Типология и поэтика портрета в русской лирической поэзии. Автореф. дисс... доктор филол. наук. – Москва: 2012.

³ Майтанов Б. Портрет поэтикасы. Ғылыми зерттеу. – Алматы: Қазақ университеті. 2006; Уша муаллиф. Қазирги қазақ прозасындағы замандас бейнесі. Зерттеу. – Алматы: Ғылым. 1982; Абдибаев Х. Талант, талғам, тағдыр. – Алматы: Жазушы. 1971; Тәттімбетова С.Ж. Қысқақов шығармаларындағы кейіпкер

адабиётшунослигида Х.Ёқубов, М.Султонова, М.Олимов, М.Абдурахмонова, С.Мирвалиев, У.Носировлар илмий тадқиқот ишларида портрет маълум даражада илмий объект сифатида ўрганилган⁴. Олим Ж.Т.Қурбонов таникли ўзбек ёзувчиси О.Ёқубовнинг портрет яратиш маҳоратини диссертация ишида махсус тадқиқ қилади⁵.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида С.Баҳадирова, З.Бекбергенова, Ж.Қаниязовларнинг монография ва диссертацияларининг бир фаслида портретнинг поэтик хусусияти талқин қилинади⁶.

Лекин, ҳозирги қорақалпоқ романларида портрет поэтикаси илмий тадқиқот объекти сифатида махсус ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети «Қорақалпоқ адабиёти» кафедрасида олиб борилаётган «Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари», «Ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги қорақалпоқ романларида қаҳрамон портретининг поэтик табиати ва турларини қорақалпоқ ёзувчилари Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов ва К.Каримов романлари мисолида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дунё ва қорақалпоқ адабиётшунослигидаги портрет бўйича натижаларни таҳлил қилиш ва илмий қарашларни умумлаштириш;

ҳозирги қорақалпоқ романларида портрет ва унинг турларини материаллар таҳлили асосида аниқлаш ва таснифлаш;

ёзувчилар Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов ва К.Каримов романларида қаҳрамон образини яратишда портретнинг статик тури функционал хусусиятини, структур-поэтик тамойилларини аниқлаш;

ҳозирги қорақалпоқ романларида динамик портретнинг персонаж психологиясини ёритишдаги хизматини, сюжет яратишда функционал муносабатини аниқлаш;

ҳозирги қорақалпоқ романларида қаҳрамон образини тасвирлашда соматик, вестиял ва кинетик портрет-деталларини структур таҳлил қилиш орқали ёзувчиларнинг поэтик маҳоратини очиб бериш.

бейнесининг лингвостилистикалық сипаты. Филол.ғыл.канд... дисс. авторефераты. – Алматы: 2009; Смағулова Г. Мағыналас фразеологизмдердің ұлттық-мәдени аспектілері. Филол.ғыл.канд... дисс. – Алматы: 1995.

⁴ Ёқубов Х. Адибнинг маҳорати. – Т.: Фан. 1966; Султонова М. Абдулло Қахҳор услубининг баъзи масалалари. – Т.: Фан. 1967; Уша муаллиф. Ёзувчи услубига доир. – Т.: Фан. 1973; Олимов М. Роман ва инсон. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1976; Абдурахмонова М. Рухий дунё тасвири. – Т.: Ўзбекистон. 1977; Мирвалиев С. Наср, давр ва қаҳрамон. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1985; Носиров У. Образларда услуб жилолари. – Т.: Фан. 1991.

⁵ Қурбонов Т.Ж. Одил Ёқубовнинг портрет яратиш маҳорати. Филол. фан. ном ...дисс. – Тошкент: 1997.

⁶ Баҳадирова С. Роман ҳам дэўир. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1978; Бекбергенова З. Қарақалпақ романларында көркем сөз поэтикасы (1980-2010-жыллар). Монография. – Нөкис: Илим. 2016; Қаниязова Ж. Ш.Сейтов романларында характер жаратыў шеберлиги («Халкабад» роман тетралогиясы мысалында). Филол. илим. филос. докт. (PhD) ...дисс. – Нөкис: 2017.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёзувчи Ш.Сейтовнинг «Шар бузыў» (1977), «Машақатлы асырымлар» (1981), «Өрдек қырғыннан соң» ҳамда «Атланшап» (1989) китобларидан иборат «Халқабад» роман-тетралогияси, ёзувчи Қ.Матмуратовнинг «Гербенбес» (2004) романи ва ёзувчи К.Каримовнинг «Көш», «Ата журт» (2013), «Аққапшық» (2016) ва «Қысыўмет» (2017) китобларидан иборат «Ағабий» роман-тетралогияси танланган.

Тадқиқотнинг предмети ҳозирги қорақалпоқ романларида портретнинг бадиий табиати ва турларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Масалани ўрганишда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик таҳлил ва структур таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

статик портрет турининг яратилишида Ш.Сейтов рус адабиёти намояндаси Л.Н.Толстой ижодига тақлид қилганлиги, ёзувчи К.Каримовнинг «оилавий портрет» ва «параллел портрет» йўналишида бадиий-услубий изланишлар олиб борганлиги, Қ.Матмуратовнинг прототипи бор қахрамонлар (Лепесбай) портретига статистик усулда ёндашуви аниқланган;

ҳозирги қорақалпоқ романлари эпик баён тарзида адабий қахрамон яратиш ва характерлар руҳиятини бадиий асослашда динамик портретни қўллаш, Ш.Сейтов персонажнинг мимик хатти-ҳаракатини, К.Каримов онг оқимини муфассал ифода, Қ.Матмуратовнинг рефлексив одат ва хулқни тасвирлаш усули муаллифнинг ижодий индивидуаллиги сифатида очиқ берилган;

ҳозирги қорақалпоқ романларида персонаж портретини конкретлаштириш, қахрамоннинг ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеини кўрсатиш билан бирга инсон ҳаётини талқин этишда соматик, вестиял, кинетик портрет-деталларнинг синтезлашган усуллари очиқ берилган;

адабиётшуносликда қахрамон портретининг бадиий табиати бўйича илмий-назарий хусусиятларга ижодкор услуби нуқтаи назаридан аниқлик киритилиб, статик, динамик, соматик, вестиял, кинетик турлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

адабиётнинг фолклор (классик) ва ёзма адабиёт (реал) шаклларида, лирика, эпика, драма турларида портретнинг тутадиган ўрни ва бадиий-эстетик аҳамияти композицион узвийликда ўрганилган;

статик, динамик, соматик, вестиял, кинетик каби портрет турлари маъно ва вазифаларига кўра тасниф этилган;

ҳозирги қорақалпоқ романларини талқин ва таҳлил қилиш жараёнида статик ва динамик портрет яратиш усули ижодкорнинг услубий индивидуаллигига қаратилган;

қахрамон образини тасвирлашда унинг юз қиёфаси, тана аъзолари (соматик), костюм, кийим-кечаклари (вестиял) ва хатти-ҳаракатларининг (кинетик) умумий портрет поэтикасига таъсири аниқланган;

ҳозирги қорақалпоқ романларида бадиий портрет яратишнинг янгича тамойиллари шакллангани асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, назарий хулосалар қиёсий-тарихий, бадиий-эстетик ва структурал таҳлил усулларига асосланганлиги, назарий фикр ва тавсияларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳозирги қорақалпоқ романларида бадиий портрет бўйича илмий-назарий қарашларни тўлдиришда, келгусида қаҳрамон образи, сюжет ва детал масаласини ўрганишда, ҳозирги қорақалпоқ романларининг ғоявий-эстетик қиймати ва тараққиёт қонунларини аниқлашда илмий манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда тақлиф қилинган тадқиқот материаллари ва натижалар адабиётшунослик фанини ўрганиш жараёнини тўғри ташкиллаштиришда, таълим самарадорлигини оширишда, олий ўқув юртларида қорақалпоқ адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги қорақалпоқ романларида портрет поэтикасини ёзувчилар Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов, К.Каримов романлари мисолида ўрганиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

адабиётшуносликда қаҳрамон портретининг бадиий табиати бўйича илмий-назарий хусусиятларга ижодкор услуби нуқтаи назаридан аниқлик киритилиб, статик, динамик, соматик, вестиял, кинетик турлари ва тасниф қонуниятлари бўйича асосланган илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти томонидан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» мавзусидаги лойиҳасини бажаришда (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 14 февралдаги 52/1-сон маълумотномаси) қўлланилган. Натижада ҳозирги қорақалпоқ романларида қаҳрамон образи ва портрет хусусиятларини ўрганиш бўйича диссертациядаги назарий хулосалар ва амалий тавсиялар унда асосий манба сифатида қўлланилган;

статик портрет турининг яратилишида Ш.Сейтовнинг ижодий тақлиди (Л.Н.Толстой), ёзувчи К.Каримовнинг «оилавий портрет» ва «параллел портрет» йўналишида бадиий-услубий изланишлари, Қ.Матмуратовнинг прототипи бор қаҳрамонлар портретига алоҳида ижодий ёндашуви, шунингдек, ҳозирги қорақалпоқ романларида адабий қаҳрамон яратиш ва характерлар руҳиятини бадиий асослашда қўлланилган динамик портрет

тури ҳақидаги назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорларга бағишланган семинарларда ва маҳорат дарсларини ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар Уюшмасининг 2022 йил 21 январдаги 7-сон маълумотномаси). Натижада, ёш ижодкорларнинг асарда қаҳрамон портретини чизишдаги бадиий маҳорати такомиллаштирилган;

ҳозирги қорақалпоқ романларида персонаж портретини конкретлаштириш, қаҳрамоннинг ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеини кўрсатиш билан бирга инсон ҳаётини талқин этишда соматик, вестиял, кинетик портрет-деталларнинг синтезлашган усулларини тадқиқ қилиш асосида олинган илмий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси «Қорақалпоғистон» телерадиокомпаниясининг «Билимлендириўде реформа» ва «Қайырлы таң» мавзусидаги эшиттиришлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 29 декабрдаги 01-02/665-сон маълумотномаси). Мазкур хулосалар кенг халқ оммасининг бадиий адабиётга қизиқишини янада кучайтириш ҳамда китобхонлик маданиятини ўстиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 та республика, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, предмети ҳамда объекти, тадқиқот усуллари белгиланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Портретнинг назарий таърифи ва унинг тадқиқ қилиниши**» деб номланади. Бобнинг «**Адабиётшуносликда қаҳрамон портретини ўрганишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи фаслида портрет ҳақида умумназарий тушунчалар таҳлил қилиниб, қўйилган масала назарий жиҳатдан асосланади. Фаслда портретнинг термин

ва тушунча сифатида шаклланиш тарихи, портретнинг поэтик хусусиятлари рус ва европа олимлари Н.Шнайдер, Е.Д.Шмидт, М.М.Бахтин, А.П.Белик, Е.Добин, М.Б.Храпченко, В.Петелин, Г.В.Старикова, Ю.И.Минералов, М.Н.Жорникова, Л.Н.Дмитриевской, А.Г.Кулыгина, П.В.Трофимова, Е.М.Каурова, С.Н.Колосовалар, козоқ адабиётшунослигида Б.Майтанов, С.Ж.Таттимбетова, Г.Смағуловалар, ўзбек адабиётшунослигида Х.Ёқубов, М.Султонова, М.Олимов, М.Абдурахмонова, С.Мирвалиев, У.Носиров, шунингдек, таниқли ўзбек ёзувчиси О.Ёқубовнинг портрет яратиш маҳоратини махсус диссертация ҳажмида тадқиқ қилган Ж.Т.Қурбонов, қорақалпоқ олимлари С.Баҳадирова, З.Бекбергенова, Ж.Қаниязовалар ва ҳ.к. адабиётшунос олимларнинг илмий ишларида портрет масаласи илмий жиҳатдан ўрганилди, умумлаштирилди ва уларга муносабат билдирилди. Олимларнинг илмий хулосаларидан келиб чиққан ҳолда, портретнинг функционал вазифаси қаҳрамон образининг ташқи қиёфаси билан ички кечинмаларининг мослигини таъминлаш эканлиги аниқланди.

Рус олими Л.Н.Дмитриевскойнинг, «Бадий асарда портрет – бу воқеликни англашнинг махсус шакли ва ёзувчининг индивидуал услубига мувофиқ қаҳрамон образининг ташқи қиёфаси орқали унинг ягоналиги, ички мазмуни, қалбини тасвирлаш қуролидан бири»⁷ деган фикри портретни илмий тадқиқ қилиш давомида тасдиқланди. Бунда асосан, шакл (ташқи қиёфа) орқали тасвирланган мазмуннинг етакчилик вазифаси ҳисобга олиниши зарур деган хулосага келинди.

Ушбу фаслда портретнинг адабий тур ва жанрлар кесишмасида поэтик хизматининг ўзига хослиги ойдинлашди. Портретнинг фольклорда ва ёзма адабиётдаги (лирика, эпика, драма) поэтик хусусиятлари илмий таҳлил қилинди.

Рус олими С.Н.Колосованинг: «Лирик портрет фақат объект ёки образ эмас, балки, шоирнинг мураккаб психологик жараёнининг ифодаси»⁸ фикри лирикада портретнинг эстетик хусусиятларини тадқиқ қилишда эътиборга олинди ва муносабат билдирилди.

Ҳозирги ўзбек романларида бадий психологизм масаласида тадқиқот олиб борган И.Ш.Ботирова диссертация ишининг портрет масаласига доир фаслида драма ва эпикада портретнинг ҳаракати бўйича: «Драмада муаллиф асосан персонажнинг ёши, ҳаракатдаги шахслар рўйхатида тутган мавқеи, ўзини тутиши билан боғлиқ деталларни ремаркада кўрсатиб ўтиш билан чекланади. Персонажни майда тафсилотлари билан тасвирлаш эпосга хос хусусият бўлиб, айнан эпик асарларда қаҳрамон портрети фавқулудда

⁷ Дмитриевской Л.Н. Пейзаж и портрет: проблема определения и литературного анализа (пейзаж и портрет в творчестве З.Н.Гиппиус). Монография. – Москва: 2005. – С. 90.

⁸ Колосова С.Н. Типология и поэтика портрета в русской лирической поэзии. Автореф. дисс... доктор филол...наук. – Москва: 2012. – С. 7.

батафсил кўриниш олади, унинг жамиятдаги мавқеи ва характери ҳақида муфассал таассурот уйғотади»⁹ фикри тадқиқ қилиш мобайнида тасдиқланди.

Портретнинг статик (батафсил, ташқи қиёфа) ва динамик (баъзи детал тасвирлашлар, ички кўриниш, психология) турлари, портрет яратишда деталларнинг муносабати (соматик, вестриал, кинетик) ҳақидаги олимларнинг илмий натижалари умумлаштирилди ва муносабат билдирилди.

«Ҳозирги қорақалпоқ романларида қаҳрамон портрети ва унинг поэтик хусусиятларининг ўрганилиши» деб номланган иккинчи фаслда қорақалпоқ адабиётшунослигида портретнинг поэтик хусусияти ҳақида илмий фикрлар таҳлилга тортилди ва умумлаштирилди. Унда тадқиқотчи олимлардан С.Баҳадирова, З.Бекбергенова, М.Халмуратова, Ж.Сағийдуллаева, А.Алламбергенов, Ж.Қаниязова, Г.Бегмуратова ҳамда М.Палимбетоваларнинг диссертация ва монографияларида, изланишларида портретнинг у ёки бу хусусиятларини турли хил аспектларда, бадиий категориялар ва компонентлар билан матнда ўрганиш натижалари умумлаштирилди ва муносабат билдирилди.

С.Баҳадированинг «Роман ҳам дэўир» (Нукус. 1978) номли монографиясида қорақалпоқ романларидаги (ўтган асрнинг 60-80-йиллари) ютуқ ва камчиликлар илмий жиҳатдан исботлаб берилди. Монографияда А.Бегимовнинг «Балықшының қызы», Ў.Айжановнинг «Арал қушағында», Т.Қайипбергеновнинг «Қарақалпақ қызы», К.Султановнинг «Ақдэрья» романларидаги бадиий тил, детал, қаҳрамон психологияси, диалог, монолог ҳамда портретнинг поэтик хусусияти ҳақида илмий фикрлари ўрганилди¹⁰. Олим қорақалпоқ насрида ёзувчиларнинг портрет яратишда фолклор аънасадан узоқ муддат фойдаланиб келганлиги, уларнинг бир томонлама кўзқарашда бўлганлиги ҳақидаги фикрини билдиради.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида роман жанрини бадиий тил поэтикаси аспектида ўрганган олим филология фанлари доктори З.Бекбергеновнинг «Қорақалпоқ романларида бадиий сўз поэтикаси (1980-2010-йиллар)» монографиясида¹¹ қорақалпоқ миллий романлари тадқиқи натижалари ўрганилди ва уларга илмий тажриба сифатида таянилди.

Монографияда романда қаҳрамон образининг яратилишида портретнинг поэтик хусусияти муаллиф сўзи билан боғлиқликда илмий таҳлил қилинади ва ҳозирги романдаги портретлар ҳақида дастлабки маълумотлар берилди. Олим қорақалпоқ ёзувчиларидан Т.Қайипбергеновнинг «Көздин қарашығы», К.Мамбетовнинг «Посқан ел», «Түркстан», «Хўждан», Ш.Сейтовнинг «Шырашылар», А.Абдиевнинг «Жин-жыпырлар уясы» романларининг композиция шаклида бадиий портретларнинг поэтик хусусиятларини, бажарадиган хизматларини илмий таҳлилга тартади. Олимнинг портрет

⁹ Ботирова Ш.И. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий психологизм (Улуғбек Ҳамдамнинг «Мувозанат», «Исён ва итоат», «Сабо ва Самандар» романлари мисолида). Филол. фан. фалс. докт. (PhD) ...дисс. – Қарши: 2019. – Б.93.

¹⁰ Қаранг: Баҳадырова С. Роман ҳам дэўир. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1978.

¹¹ Бекбергенова З. Қарақалпақ романларында көркем сөз поэтикасы (1980-2010-жыллар). Монография. – Нөкис: Илим. 2016.

таркибида тасвирий санъатнинг «карикатурали тасвирлаш усули»ни қўлланиши портрет поэтикасини ёритишдаги самарали ишлардан бири бўлганлиги далилланди.

Ж.Қаниязова «Ш.Сейтов романларида характер яратиш маҳорати»¹² мавзусидаги диссертация ишида таниқли ёзувчи Ш.Сейтовнинг романларида характер яратишнинг индивидуал услубига хос бўлган асосий компонентлар каторида бадиий портретни таҳлилга тортади. Ж.Қаниязова ёзувчи Ш.Сейтовнинг портрет яратиш маҳоратини қуйидагича позицияларда таҳлил қилади: Портрет фақат муаллиф тафсилотларидагина эмас, персонажларнинг қарашлари асосида ҳам чизилади; қаҳрамонларнинг психологик ҳолати қисқа портрет деталларида кўринади, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари портретда тасвирланади; ёзувчи ижодида такрорланувчи портретлар қўлланилади; персонажларнинг кийиниши, ўзини тутиши портрет таркибида ўрганилади; портретларда муаллиф характеристикасининг берилиш ҳолатлари ва бошқа.

М.Халмуратова эпик қаҳрамон (Бердакнинг «Ақмақ патша» достонида Гулим ва Аҳмоқ подшо) портретига асарнинг ғоявий мазмунини ёритувчи компонент сифатида қарайди, олим Ж.Сағийдуллаева бадиий психологизмнинг жонли кўриниши портрет тасвирлари асосида амалга ошишини ёзувчи У.Пиржановнинг қиссаларидан аниқ мисоллар келтириб исботлайди. Татқиқотчи А.Алламбергенов ёзувчи К.Мамбетовнинг «Посқан ел», «Туркстан», «Бозатаў» тарихий романларидаги образларнинг яратилишида тасвирлаш усуллариининг поэтик хусусиятларини таҳлил қилар экан, портретнинг бадиий вазифаси ҳақида қарашларини келтиради.

Юқорида келтирилган ишлардан кўринадики, портрет махсус тадқиқ қилинмаган бўлса ҳам, қаҳрамон образини яратишдаги ёзувчининг поэтик маҳорати маълум даражада ўрганилганлиги ўз тасдиғини топади. Олимларнинг тадқиқот натижасидан келиб чиққан хулосаларига маълум даражада муносабат билдирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ҳозирги қорақалпоқ романларида портрет турлари ва ўзига хос хусусиятлари»** деб номланади. Бобнинг **«Ҳозирги қорақалпоқ романларида статик портретлар»** деб номланган биринчи фаслида ҳозирги қорақалпоқ романларида статик портретнинг поэтик хусусияти, хизмати (функцияси) илмий асосланади. Статик портрет шаклининг ёритилишида рус олими Н.М.Жорникованинг, ўзбек олими Ш.Ботированинг мана шу масала юзасидан билдирган фикр ва натижаларига таянилади.

Рус олими Н.М.Жорникованинг таъкидлашича, статик портрет образнинг ички олами билан бўлган тўғридан-тўғри алоқаларни бекор қилади. Асосан, образнинг ташқи қиёфасини объектлаштириш йўлидан

¹² Қаниязова Ж.О. Ш.Сейтов романларида характер жаратыў шеберлиги («Халқабод» роман-тетралогиясы мысалында). Филол. илим. филос. докт. (PhD) ...дисс. – Нөкис: 2017.

боради¹³. Ёзувчи қаҳрамоннинг психологик кечинмаларига эътибор қаратмасдан, ташқи қиёфасида намоён бўлган белгиларни батафсил тасвирлаши статик портретнинг асосий тамойилларидан ҳисобланади.

Ҳозирги қорақалпоқ романларида статик портрет яратишдаги изланишлар ёзувчилар Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов ва К.Каримовларнинг романлари мисолида илмий таҳлил қилинди. Ёзувчилардан К.Каримовнинг статик портрет яратишдаги изланишлари, қаҳрамон образини яратишдаги услуби ўзига хослиги аниқланди.

Мазкур фаслда ёзувчи К.Каримовнинг «Ағабий» роман-тетралогиясида статик портретларга алоҳида ижодий ёндашганлиги аниқланди. Масалан, романда Қулчи бийнинг портрети ёзувчининг ижобий қарашлари асосида чизилган: «Қулишы бий қырқ бес жаслар этирапындагы, узун бойлы, қайыңнан келген, қыпшақларга тән сары сынлы, көк көзлери тигилип қараганда өңмениңнен өтип кететугындай өткир, ҳарекетлери салдамлы, алдын ойлап, ойлаганларын кеўлинен өткерип, қайсы сөзди айтыў кереклигин таңлап айтатугын, минези жайдары, тез ашыўланбайтугын адам еди»¹⁴. Ёзувчи портрет орқали қаҳрамонларга антипатик ёки симпатик қарашларини билдириш билан бирга, ҳар бир портрет деталга кучайтирувчи хусусият бериши аниқланди.

Ёзувчи К.Каримовнинг маҳорати статик *портретни параллел* равишда чизиши билан ҳам далилланади (Ережеп бий билан Сирим бий, Асқар билан Қалмен баққол). К.Каримовнинг икки статик портретни параллел қўйиб тасвирлаш усули ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романидаги қиёсий портретига (Тоҳира билан Латофат) яқин келади. Ёзувчиларнинг портретларни параллел чизиш тактикасида икки қаҳрамонни таққослаб, фарқли жиҳатларини кўрсатиш орқали қаҳрамонни тўлиқроқ очиб беришга эришганлигини кўрамыз.

Рус олими Е.М.Каурова оилавий портрет қаҳрамон характерининг келиб чиқиши ва унинг оиласи ўртасидаги муносабатларни очиб беришда муҳим эканлигини айтади¹⁵. Ёзувчи К.Каримовнинг «Ағабий» роман-тетралогиясида образларнинг «*оилавий портрет*» ҳам мунтазамлиқка эга эканлиги аниқланди. Ўхшаш портретлар билан ўхшаш тақдирлар ёзувчининг бадиий ниятининг бардавом очилишида хизмат қилганлиги аниқланди.

Ёзувчи Шаўдирбай Сейтов «Халқабод» роман-тетралогиясида статик портретни ҳар хил ўринда, сочма шаклда яратади. Қаҳрамон портрети уларни фақат таништириш ёки уларга муаллифлик таърифлар бўлибгина қолмасдан, қаҳрамоннинг ҳаракатдаги ҳолатини бериш учун ҳам қўлланилган. Шу боис бир қаҳрамонга тегишли портрет тасвирлар роман композициясида бир неча марта учраши мумкин. Масалан, роман қаҳрамони Избосган дастлаб «*Избасқанның сырт пишими мүсәпир, мөҳмин, гәрипке усаганы менен*

¹³ Жорникова М.Н. Поэтика портрета в русской романтической повести 1830-х гг. Автореф. дисс... доктор. филол...наук. – Улан-Удэ: 2004. – С. 14.

¹⁴ Каримов К. Ағабий. Тарийхый роман. I китап. Көш. II китап. Ата журт. – Нөкис: Билим. 2013. – Б. 17.

¹⁵ Каурова Е.М. Поэтика портрета в повестях И.С.Тургенева. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Улан-Удэ: 2010. – С. 15.

адамга питпеген шаққанлық, мергенлик, жаўызлығы бар, нағыз жүрек жутқан жалмаўыз еди»¹⁶ деб таништирилган бўлса, кейинги воқеаларда «илонкўзланган», «арвоҳга ўхшаб кийинган» ҳолда кўрамиз. Демак, Ш.Сейтов қахрамоннинг ташқи қиёфасини ихчам сўзлар билан таърифлаб, сюжет давомида унинг юз тузилиши, юриш-туришини, кайфиятини ҳам тасвирлайди.

Рус адабиётшуноси А.Г.Кулыгина Л.Н.Толстой асарларида қахрамон портрети роман бўйлаб тарқатилиб, барчаси жамланган ҳолда бутун бир портретни ҳосил қилишини айтади¹⁷. Ёзувчи Ш.Сейтовнинг портрет яратиш усули Л.Н.Толстойнинг образ яратиш усули билан ўхшаш. Бу ўхшашликни биз адабий таъсир сифатида баҳоладик. Чунки Ш.Сейтов рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилган¹⁸ ва ундан образ яратиш, портрет чизиш ва ҳ.к. усулларни ўрганган бўлиши ҳам мумкин.

Ёзувчи Қипчақбай Матмуратовнинг «Тербенбес» романида статик портретда қахрамон образининг жисмоний хусусиятларига кўпроқ аҳамият берганлиги аниқланди. Тарихий прототиби бор Лепеснинг портрети ёзувчи томонидан сюжет чизиғи бўйлаб берилади. «...өзи қара торы жигит, бурынғыдан да бетер сурланып, қаралтым жүзлери шойындай сиресип, қақ маңлайды қақ жарып шыққан қыр мурнының танаўлары желбезекленип, ашыўын зорға дегенде ишине жутып отырды»¹⁹.

Мазкур фаслда романлардаги статик портретларни таҳлил қилиб, ҳар бир адибнинг ўзига хос портрет яратиш усули мавжудлиги аниқланди: ёзувчи К.Каримов қахрамоннинг ташқи белгиларини батафсил тасвирлайди, бироқ ташқи қиёфа қахрамоннинг психологик ҳолатини кўрсатмайди, муаллиф унга кўшимча тафсилотлар беради; ёзувчи Ш.Сейтов қахрамон портретини чизишда объектив муносабатта бўлади, қахрамоннинг ташқи кўриниши ёки хатти-ҳаракатини ўқувчи кўз унгида намоён қила олади; ёзувчи Қ.Матмуратов қахрамон портретини яратишда соматик портрет-деталлардан унумли фойдаланади.

Иккинчи бобнинг «**Ҳозирги қорақалпоқ романларида динамик портретлар**» деб номланган иккинчи фаслида ҳозирги қорақалпоқ романларида динамик портрет ёзувчилар Ш.Сейтов, Қ.Матмуратов ва К.Каримов романлари мисолида таҳлил қилинади. Динамик портрет турининг очилишида олимлар Е.М.Каурова, А.Г.Кулыгина, М.Н.Жорниқоваларнинг илмий тадқиқотларига суянилды.

Рус олимаси Е.М.Каурова портретнинг турлари бўйича қуйидагича фикрлайди: «Портрет икки таркибли қисмга эга – статик ва динамик. Агар биринчиси табиий (ташқи хусусиятлар) ҳамда ижтимоий (костюм)

¹⁶ Сейитов Ш. Халқабод. Роман-тетралогия. I китап. Шар бузыў. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1977. – Б. 4.

¹⁷ Кулыгина А. Г. Поэтика портрета в «Повестях Белкина» А.С.Пушкина. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Нижний Новгород: 2008. – С. 7.

¹⁸ Толстой Л.Н. Севастополь гүрриңлери (Қарақалпақ тилине аўдарған Шаўдырбай Сейтов). – Нөкис: Қарақалпақстан. 1978.

¹⁹ Матмуратов Қ. Тербенбес (роман). – Нөкис: Билим. 2004. – Б. 22.

константалар образида борлиқни назарда тутса, иккинчиси қаҳрамонни тасвирлашнинг имо-ишора шакллари ўз ичига олади, бу ички ҳаёт, унинг ўзгарувчанлиги, бир вақтлилиги билан боғлиқ бўлади»²⁰.

Ҳозирги қорақалпоқ романларини таҳлил қилганимизда, Ш.Сейтов динамик портрет яратишдаги маҳорати билан ажралиб туришига гувоҳ бўлдик. Ш.Сейтов «Халқабод» роман-эпопеясида қаҳрамон образининг бажарадиган ғоявий-эстетик вазифаларини, ички-психологик кечинмаларини кўрсатишда *динамик портретдан* унумли фойдаланганлиги аниқланди.

Ёзувчи романда образлар орқали синфий кураш, яқка шахсий онг билан жамоатчилик онгининг кўраши, мулк муносабати сингари давр воқеаларини типиклаштириб беришга ҳаракат қилади. Масалан, Сайимбет персонажининг портретига эътибор берамиз: «*Мадиярды шығарып жиберип, «ҳимм, ладан, адам өлтирген адам бойы гөрин қазып алмаймекен, ҳимм, ладан!...» деп ыңырсыды, тисленди, бармақлары менен столды дыбырлатып, шырпынды, асықты, адамлардың мырқымбайлығына тырнағына шекем күйинди, күйинди!..»*²¹. Асарда одам сурати чизилавериши мумкин, бироқ унга «жон ато этиш» поэтик маҳорат саналади. Ёзувчи «инграш», «тишланиш», «бармоқларни дупурлатиш» каби портрет белгиларига катта маъно юклаб, образнинг (Сайимбет) характерини, ўз ишига фидоийлигини, жонкуярлигини кўрсатади.

Роман-тетралогияда босмачилар гуруҳига ёзувчи антипатик ёки симпатик қарашларини очиқ кўрсатмайди. Ёзувчининг бундай қарашда яратган қаҳрамонлари (Избосган) ўзбек ёзувчиси О.Ёкубовнинг «Диёнат» романидаги қаҳрамонларга ўхшайди. «Диёнат» романида миллионер бошлиқ Отақўзи Умаров ҳам шон-шуҳрат отига миниб, ўзини одамлардан, оддий халқдан устун қўйса ҳам, маишатпарастликка, маънавий тубанликка бормайди, ҳатто баъзи ҳолларда ўз хатти-ҳаракатларига инсонийликни йўқотмай, адолатли тарзда баҳо бера олади²². Избосган образини таҳлил қилар эканмиз, ёзувчи чизадиган портретининг асосий композицион марказини аниқлаб, бутун эътиборини шу ерга жамлайди ҳамда ўқувчи эътиборини торта оладиган ажойиб қиёфа яратади. «*Избасқан жуўап орнына еки бармагының ортасына бас бармагын тыгып көрсетти. Соң, ысқырган қара жыландай сурланып: – Қаматып болыпсаң! – деди»* («Шар бузыў» романи 256-бет). Ёзувчи ремарка ёрдамида қаҳрамоннинг вазиятдаги портретини чизиб, уларнинг ички психологиясини очиқ беришга ҳаракат қилади.

Ёзувчи Қ.Матмуратов «Тербенбес» романида қорақалпоқ, қозоқ, Ураллик рус казаклари (оралский) вакилларини миллий ўзига хослиги асосида сўзлари, мимикалари, хатти-ҳаракатлари орқали бирма-бир кўрсатади. « – Мен еле Лепести «Во!» деген талапкер етип шығараман.

²⁰ Каурова Е.М. Поэтика портрета в повестях И.С.Тургенева. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Улан-Удэ: 2010. – С. 3.

²¹ Сейитов Ш. Халқабод. Роман-тетралогия. Үшинчи китап. Өрдек қырғыннан соң. Төртинчи китап. Атланшап. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1989. – Б. 224.

²² Қаранг: Ёкубов О. Диёнат. – Тошкент: Ёш гвардия. 1979. – Б. 236.

Көресен еле! *Шараўбай бас бармағын шыррайтып қайығына жеткенше артына қараңлап сөйлеп барды*» («Тербенбес». 28-бет). Ёзувчи мана шу маиший ва тарихий шартлиликни роман охиригача давом эттириб, ҳар бир миллатнинг ўзига хослигини соф тарзда сақлашга ҳаракат қилади.

Ёзувчи К.Каримовда динамик портретни статик портрет сингари ёрқинроқ тасвирлаш усули сезилади. Масалан, «Ағабий» романида Жонимқиз ўзи фарзанд кўрмаганлиги боис эри Қулчи бийдан бошқа аёлга уйланишини сўрайди. Жонимқизнинг бу ўриндаги ички руҳий кечинмалари динамик портретда деталлаштирилиб тасвирланади: *«Жанымқиздың ширайлы жүзи бирден өзгерди. Ашық-жарық пайыты, аспандағы қуяшты булт қаплаған киби, жайнап турған жүзи түнерип, бадам қабақлары үйилди. Кирпиклерине таңғы шық киби жас тамшылары илинип, жылтырады. Жанымқиз тосаттан жылап жиберди. – Мен қайылман. Неше жыл болды, қурсақ көтермедим. Не илаж, алла салса биз көндик»* («Ағабий». I китоб. «Көш». 20-бет). Ёзувчи ушбу портрет орқали қорақалпоқ хотин-қизлари учун «кундош орттириш» қандай маънавий эзилиш эканлигини моҳирлик билан етказа олган. Ёзувчи К.Каримовнинг динамик портретларида туйғу ва тушунчаларни қўшимча изоҳлар билан бериш ҳолати аниқланади.

Ҳозирги қорақалпоқ романларида яратилган портретлар персонажнинг ўзига хос характери очиб бериши билан сюжетнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Ёзувчи Ш.Сейтов кўп сўзнинг маъносини қисқа динамик портретга жамлаб, сюжетнинг оперативлигига эришса, Қ.Матмуратов динамик портрет орқали драматик шароитларни юзага келтиради. Ёзувчи К.Каримов эса динамик портрет орқали ҳар бир персонажнинг характери деталлаштириб, унинг ички руҳий туйғуларини биргаликда баён қилиш орқали китобхон билан қаҳрамон орасидаги муносабатни аниқлаштиради.

Ишнинг учинчи боби **«Ҳозирги қорақалпоқ романларида қаҳрамон образини яратишда портрет деталларнинг аҳамияти»** деб номланиб, учта фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли **«Соматик портретлар»** деб номланиб, унда персонаж портретини чизишда қўлланилган деталларнинг поэтик вазифаси илмий таҳлил қилинади. Рус олимлари бадиий портрет ва детал ўртасидаги ўзаро поэтик алоқаларни махсус асарлар мисолида тадқиқ қилади. Л.Толстой, М.Шолохов, А.Чехов прозаларини илмий таҳлил қилган олимлар портрет яратишда бадиий деталларнинг поэтик функциясини юқори баҳолайди²³.

Қўлланилган деталларнинг хусусиятига кўра портретни турларга ажратиш (тасниф қилиш) концепциясида рус олимлари Г.В.Старикова²⁴,

²³ Храпченко М.Б. Лев Толстой как художник. – Москва: 1971; Добин Е. Герой. Сюжет. Деталь. – Ленинград: Советский писатель. 1962; Добин Е. Сюжет и действительность. Искусство детали. – Л.: 1981; Трофимова П.В. Своеобразие художественной детали в романе М.А. Шолохова «Тихий Дон». Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва: 2009.

²⁴ Старикова Г.В. Лексика портретных описаний. Дисс... канд. филол. наук. – Ленинград: 1984.

Е.Д.Шмидт²⁵, қозоқ олими С.Ж.Таттимбетоваларнинг²⁶ илмий тадқиқотлари ва натижаларига таянилды. Олимлар ишлатилган деталларнинг ўзига хослигига қараб портретларни: *соматик*, *вистиал* ва *кинетик* турларга ажратади.

Соматик – (грекча «soma» – «тана») портрет яратишда асосан, персонажнинг тана аъзолари: бош, қўл оёқ ва ҳ.к. анатомик элементлари қўлланилади.

